

АНЕСТЕЗИОЛОГ-РЕНИМАТОЛОТ ФАОЛИЯТИНИНГ СУД-ТИББИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Ҳакимов Сарвар Абдуазимович
Салимова Малика Рашидбековна
Гулямов Дилшод Эркинович*

*Тошкент тиббиёт академияси Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи ва
Жамоат саломатлиги ва менежмент кафедраси*

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистондаги суд-тиббий экспертиза муассалари фаолиятида, анестезиолог-реаниматологлар фаолияти билан боғлиқ КСТЭ лар муҳим ўрин тутади. Анестезиолог-реаниматологлар фаолиятида содир бўлётган касб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари суд –тиббиёти муаммоларинг оғриқли нуқталаридан биридир. Мазкур ҳолатлар билан боғлиқ ўлимлар алоҳида эътибор остида булиб, мустақиллик йилларида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган устувор вазифалардан бири сифатида эътиборга олинди. Анестезиолог-реаниматологлар фаолияти билан боғлиқ тиббий ёрдам нуқсонларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бир томондан бу турдаги комиссия суд-тиббий текширувларни ташкиллаштириш ва ўтказишни яхшилашга хизмат қилса, иккинчи томондан бундай нохуш ҳолатларни олдини олишга йўналтирилган самарали чора-тадбирларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Анестезиолог-реаниматолог фаолиятининг суд-тиббий жихдтлари, тиббий ёрдам нуқсонлари, комиссия суд-тиббий экспертиза.

Фуқороларнинг малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши давлат томонидан кафолатланган. ҳозирги кунда тиббий ёрдамнинг сифатини яхшилашга қаратилган чора- тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалада тиббий ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ комиссия суд-тиббий экспертизалар (КСТЭ) ўзига хос ўрин тутади. Ушбу материалларнинг таҳлили эътибордан четда қолаётганини таъкидлаш лозим.

Тадкикотнинг максоди. Анестезиолог-реаниматологлар фаолияти билан боғлиқ КСТЭлар хулосаларини комплекс таҳлил қилиш. Тадкикотнинг материали сифатида 2022-2023 йилларда амлакатимизнинг суд-тиббий экспертиза муассасаларида анестезиолог- реаниматологлар фаолияти юзасидан ўтказилган КСТЭлар олинди. Даставвал анестезиолог-реаниматолог фаолиятига хос хусусиятларни инобатга олувчи тиббий ёрдам нуқсонлари (ТЁН) махсус таъсифи ишлаб чиқилди. Ушбу таъсифда йўл кўйилган нуқсонлар моҳияти бўйича турлари, аниқ камчиликнинг вужудга келиш сабаблари, йўл

кўйилган муассасалар ҳамда камчиликларнинг беморнинг соғлиги, ҳаётига таъсири алоҳида фаркланди.

Тадқиқот натижалари. Жами 2022-2023 йилларда анестезиолог-реаниматолог фаолияти билан боғлиқ 59 та КСТЭ утказилган булиб, уларнинг 54 тасида камчиликларга йул кўйилганлиги аниқланди. Аксарият ҳолларда бир неча нуксонларга йул кўйилганлиги сабабли жами 86 та ТЁН аниқланди ва уларнинг қар бири атрофлича урганилди. ТЁН моҳияти бўйича диагностик, даволаш ва бошқа нуксонлар гуруҳларига булинди. Таҳлил натижасига қура 86 та ТЁНдан етакчи уринда анестезиолог-реаниматологлар томонидан диагностикада йул кўйилган камчиликлар булиб, улар 40.7% ташкил қилди. Аниқланган 35 та диагностик ТЁНда 10 таси (28,6%) асосий касаллик ёки жароҳатнинг аниқланмаслиги (асосан мия шиши, бош мия қон айланишининг бузилиши, уткир юрак-қон томир ва нафас етишмовчилиги) ва кеч ташхис қўйилиши 11 та (31,4%) билан боғлиқ бўлган, 31 та ҳолатда (36,0%) даволаш нуксонлари аниқланган булиб, уларнинг 20 таси (64,5%) шифохонага ёки анестезиология-реаниматология бўлимига беморнинг кеч ётқизилишидан иборат бўлган. Тиббий муолажаларни тайинлаш, утказиш ҳамда даволашдаги бошқа нуксонлар нисбатан қам қузатилган. 3-гуруҳ нуксонлари (20 та 23,3%) асосан тиббий ҳужжатларни юритишдаги ва беморларни таспортировкасидаги камчиликлар бузилиши билан боғлиқ бўлган. Тиббий ходимлар фаолиятидаги камчиликларни ҳуқуқий баҳолашда уларнинг вужудга келиш сабаблари ва оқибатга таъсир даражаси ута ахамиятлидир. Олинган маълумотлар бўйича тиббий ёрдам нуксонларининг 41,8% субъектив сабаблар билан боғлиқ булиб, улар асосан анестезиолог-реаниматологларнинг малақасининг лозим даражада бўлмаганлиги билан боғлиқдир. 86 та ТЁНдан 29 таси (33,7%) тиббий ходимлар ва тиббий муассасага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган. Бу уринда аксариятини тиббий ёрдамга кеч муружаат қилиш ташкил этган. Жами ТЁНнинг 24,4% ташкилий сабаблар аниқланган булиб, улар қаторида тиббиёт муассасасида даволаш-диагностика жараёнини ташкиллаштиришдаги, диагностика воситаларининг таъминоти билан боғлиқ камчиликлар бўлган. Анестезиолог-реаниматолог фаолиятидаги ТЁН беморларнинг соғлигига жиддий таъсир қурасатганлиги аниқланиб, 86 та ТЁНдан 29 таси (33,7%) оқибатга салмоқли таъсир қурсатиб, бемор улимининг юзага келишига мойиллик яратган. 16 та ҳолатда анестезиолог-реаниматолог фаолиятидаги камчиликлар беморлар улимига бевосита сабаб бўлган. КСТЭ ҳулосалари маълумотларига қура анестезиолог-реаниматологлар фаолиятидаги нуксонлар асосан туман марказий шифохоналарида (34,9%), шошилиқ тиббий ёрдам тизимида (25,6%) ва шаҳар шифохонасида (22,0%) йул кўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда қўйдагича хулосага келиш мумкин: КСТЭ материаллари бўйича анестезиолог-реаниматолог томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг комплекс тахлили уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган чора- тадбирлар ишлаб чиқишда фойдали бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Акопов В.И.-Медицинское право в вопросах и ответах. М., изд-во “Приор”.-2000.
- 2.Алимов Х.Р.-Маъмурий ҳуқуқ- Т., УзРИИВ Академияси,- 1995.
- 3.Сергеев Ю.Д., Ерофеев С.В.-Неблагоприятный исход оказания медицинской помощи. Москва-Иваново.-2001.
- 4.Сергеев Ю.Д., Мохов А.А.-Ненадлежащее врачевание: возмещение вреда здоровью и жизни пациента. М.,изд.группа “ГЭОТАР-Медиа”.-2007.
- 5.Трудовое право. Под ред. О.В.Смирнова.М., “Проспект”,- 1998.
- 6.Турсунов Й-Трудовое право Республики Узбекистан. Т., ТГЮИ.-2005.
- 7.Хамедов И.-Административное право.-Т.: УМЭД.-2004.
- 8.Хожиев Э.,Хожиев Т.-Маъмурий ҳ,уқ;уқ; Т.,ТДЮИ.-2006.
- 9.Иванюшкин А.Я.-Профессиональная этика в медицине. М.,Мед.,1990.
- 10.Мухамедова З.М.- Введение в биоэтику.-Ташкент.-2004.
- 11.Попов В.Л.,Попова Н.П.-Правовые основы медицинской деятельности. Спб.,изд-во “Деан”.-1999.
- 12.Гиясов З. А. Судебно-медицинские аспекты ненадлежащего оказания медицинской помощи в случаях материнской смерти : научное издание / З. А. Гиясов, Л. А. Ким // Медицинский журнал Узбекистана. - Ташкент.- 2012. - N4. - С. 43-45.
- 13.Сергеев Ю.Д.-Профессия врача. Юридические основы.. Киев,Вища школа.- 1998.
- 14.Козлов Ю.М.-Административное право. М.: Юрист,- 2003.